



Ў ЁШЛИ ҚИЗ:

УНИ КИМ КЕЛИН ҚИЛАЯПТИ?

4

Эртага кеч бўлмасин




6



Илтимос, телефонни ўчириб қўйинг!

8

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ
сурат-лавҳаси.

ҚЎША ҚАРИГАНЛАР

бундай эътирофга муносиб бўлиш осонми?

— Албатта қийин, лекин бизларга ўхшаб бир-бирини тушуниб, турмуш мушкулликларини мардона енгган, фарзандлари юрагига она юртни севишдек улуғ туйғуни сингдира олган кишиларгина ўзларини бахтли оила соҳибларимиз дейишга ҳақлидирлар, — дейди пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Катта Кўйлик маҳалласида яшовчи Мухтабар ая ва Фатхулла ака Раҳимовлар фахрга тўлиб.

5

ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

Бундан 10-15 йил аввал Ургут туманида меҳмон бўлган одам истиқлол йилларида бу муборак манзилда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб ҳайратга тушади. Биз борган кунлари туманда ғалла ўрим-йиғими қизгин паллага кирган экан. Туман ҳокими билан кечган суҳбатимиз ҳам қисқагина бўлди: “Хуш келибсизлар, аввал зиёрат, кейин мулоқот! Келишдикми, унда оқ йўл сизларга!” Ҳамроҳимиз — туман ҳокимлиги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Муҳиддин Холиқов йўл-йўлакка изоҳ берди: “Биласизми, юртимизда кўҳна шаҳарлар жуда кўп. Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Термиз, Самарқанд ва ҳоказо. Гарчи уларга бизнинг Ургутимиз шаҳарсозлик маданияти борасида тенглаша олмаса-да, лекин қадимийлиги билан яқин келади. Шунинг учун қаердан меҳмон келса, энг аввало, ўтмишдан гувоҳлик берувчи манзилларга етаклаймиз”...

3



Муносабат

ЮРТБОШИМИЗ ЭЪТИБОРИДАН МАМНУНМИЗ

Ижтимоий ҳаётимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи ва аҳамияти кундан-кунга ошиб бораётир. “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” таъминоти асосида юртимизда ўтказилаётган изчил ислохотлар шарофати билан бошқарувнинг мазкур бўғини фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилиб, ваколатлари янада кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 9 июлда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони олиб борилаётган ислохотларнинг мантикий давомидир десак, асло муболага бўлмайд.

Ватан маҳалладан бошланади, деган иборанинг маъно-мазмунини ниҳоятда чуқур. Зотан, ўсиб-улғаяётган ёш авлод тарбияни аввало оиладан, қолаверса маҳалладан олади. Дарҳақиқат, мамлакатимизда хонадонларнинг тинч-тотув, мустаҳкам бўлишида, қолаверса, ёшларга тўғри тарбия бериб, уларни мустақил ҳаётга йўллашда, келгусида оила аталмиш буюк кўргонни асраб-авайлашдек масъулиятли юмушларга тайёрлашда ота-оналар қатори маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчиларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда)



«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»

акциядорлик компанияси —
доимий ҳамкоримиз!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Менинг "Байтқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги кўп йиллик фаолиятим Юртбошимиз томонидан юксак баҳолашиб, 2008 йили "Фидокорона меҳнатлари учун" орденига лойиқ топилдим. Шунингдек, номим ЎзХДП ташкилотининг "Эҳтиром" китобига киритилди. Ўтган йили ўтказилган "Энг намунали маслаҳатчи" курик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгалладим. Бундай эътибор ва рағбат мени янада кўпроқ меҳнат қилишга илҳомлантиради. Инчунун, давлатимиз раҳбарининг мазкур Фармони биз, ушбу соҳа ходимларининг камтарона меҳнати, жамиятда барқарорлик ва тинч-тотувлиқни таъминлашга қўшаётган ҳиссасига берилган улкан рағбат деб биламан.

Минг шукр, бугунги кунда обод Ватанимизнинг барча гўшалари қатори бизнинг маҳаллаимиз ҳам обод ва кўркам, маҳалламизнинг ёшу қариси ахил. Фуқароларимиз барча жабҳаларда мустақил юртимизнинг келажаги учун улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширишмоқда.

Дилором САЛИМОВА,
Қибрай тумани "Байтқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

КЎКСИМ ТОҒДАЙ КЎТАРИЛДИ

Бизнинг овулимиз кўҳна, навқирон ва аҳолиси жиҳатидан туманимиздаги катта худудлардан бири саналади. Қишлоғимизда ўзбек, қozoқ, қорақалпоқ ва туркман миллатига мансуб бўлган жами 17 мингга яқин фуқаролар аҳил-иноқ яшаб келишмоқда. Ҳамқишлоқларимни, ўзим фаолият кўрсатаётган касбимни жуда яхши кўраман. Шу сабабли ҳам бу соҳанинг машаққатлари менда оғир кечмайди.

Қишлоғимиздаги оилавий муаммоларни бартараф қилишда барча миллат вакиллари ўзимга яқин олиб, бировга "чеча", бировга "аже", бировга "оғам-опам" деб меҳр билан иш кўраман. Асосийси, мен ўз маҳаллошларимга она кўзи билан қарайман. Яқинда эълон қилинган Президентимизнинг фуқаролар йиғинлари ходимларининг жумладан, маслаҳатчиларнинг ойлик маошларини ошириш бўйича эълон қилинган Фармонини ўқиб, кўксим тоғдай кўтарилди. Бизнинг камтарона меҳнатимизга берилган бу юксак рағбатдан суюнмай бўладими.

Ўрингул АЛЛАБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл тумани Шўроҳон овул фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

ШУ СОНГА ХАБАРЛАР



АЁЛЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Спорт — саломатлик гарови. Мамлакатимизда жамиятни, хусусан хотин-қизларни соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, соғлом ондангина соғлом фарзанд туғилади. Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб Тошкентдаги Туриш политехника университетидаги спорт мажмуасида бўлиб ўтган аёллар спорт фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ҳам айнан шундай хайрли мақсадларни кўзда тутди.

"Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шiori остида бўлиб ўтган мазкур спорт байрами Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонда белгилаб берилганидек, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллатимизни янада соғломлаштириш, хотин-қизларни спортга кенг жалб этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини мамнуният билан эътироф этди.

Спорт фестивали иштирокчилари волейбол, теннис, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастика каби спорт турлари бўйича ўзаро куч синашдилар. Ғолибларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совгалари топширилди.

Дилроз АБРАЕВА,
"Оила ва жамият" муҳбири

ЭНГ ҚУВНОҚ БАЛ

Яқинда пойтахтимиздаги Япон боғи болаларнинг қувноқ кулгулари, шўхликларига тўлди. 2008 йилдан буюн юртимизда ўтказиб келинаётган "Болалик шарафига" хайрия бали бу йил ҳам жажжи иштирокчиларни беҳад қувонтирди.

Бал доирасида болалар учун танловлар, эстрада юлдузлари концерти билан бирга хайрия аукционини ҳам бўлиб ўтди. Ундан тушган барча маблағга ташкилотчилар Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун либослар, озиқ-овқат ва мактаб анжомлари харид қилади.

Аввалги йилларда ўтказилган хайрия балларидан тушган маблағлар ҳисобидан "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси юртимиздаги 85 та болалар уйларига мактаб анжомлари, спорт ва иссиқ кийимлар, кишиқ пойабзал, хўжалик техникаси, шахсий гигиена воситалари тақдим этди.

Иқтидор бекатлари ғолиблари акция лойиҳаси муаллифи Гулнора Каримовадан совғалар қабул қилиб олишди.

Насиба АБДУРАҲМОНОВА.

ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Юртимизда оила азоб-азобдан юксак қадрланган. Бу қадрият истиқлол йилларида янада сайқал топди. Эндигина турмуш қурган келин-куёвга турмуш сабоқларини эгаллашларда ҳар томонлама ёрдам беришда нафақат ота-оналар, балки қариндош-уруғ, маҳалла-кўйнинг ҳам фаол қатнашишининг асп моҳияти ана шунда.

Шу боис ҳам Конституциямизнинг 14-бобида оиланинг ижтимоий мақоми белгилаб қўйилган. Оила, фуқаролик, уй-жой кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг қонуний асослари ўз ифодасини топди. Ўтган йиллар мобайнида Асосий Қонунимизда белгиланган қоидаларни ҳаётга таъбиқ этиш мақсадида оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, 20 га яқин Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, 70 дан ортиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинганлиги оила қонунчилиги асосларининг мустаҳкамлигидан далолат беради.

Ҳаётга таъбиқ этилаётган оила мустаҳкамлиги ва фаровонлиги, ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол ва соғлом авлодни камолга етказиш каби юзлаб вазифаларни ўзида муҳасам этган барча қонун ва қарорлар оила бахти ва саодатига қаратилган.

Шунингдек, Президентимиз фармон ва қарорларида ҳам аҳоли даромадларини ошириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланди. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида"ги фармони ёш оилаларга янги имкониятлар яратиш, уларда оила учун масъулиятни ҳиссини янада оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатда оила ва никоҳ муносабатлари қонуний, ҳуқуқий асосларга таяниши алоҳида таъкидланган. Чунки ёш оилани қўллаб-қувватлаш ҳар бир 30 ёшдан ошмаган, биринчи расмий никоҳдан ўтган шахсларга алоқадорлиги, аввало, ёшларни, қолаверса, ота-оналарнинг никоҳ институтига ҳурмати, уни мустаҳкам бўлишига интилиш туйғуларини кучайтиради. Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у давлат ҳимоясида бўлган, унинг имтиёзларидан фойдаланаётган ёшлар бўлар-бўлмас баҳона билан ажрашиб кетмаслигини таъминлайди.

Пойдевори мустаҳкам бино ҳеч қачон бузилмайди. Бундай қиёсини оила кўрғонига нисбатан ҳам билдириш ўринлидир. Шу боисдан ҳам адлия органлари томонидан никоҳ масаласида ёшларнинг белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳ масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги тўғрисида йўл-йўриқ беришни самарали ташкил қилиш йўлидаги барча саъйи ҳаракатлар энг аввало оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган.

Қувонарлиси шундаки, юртимизда истиқлолнинг дастлабки асосида қад ростлаётган шинама уйларида ичимлик суви, йўл, электр ва табиий газ тармоқ-

лари каби барча шароитларнинг яратилганлигига ҳавас қилса арзийди. Айниқса, янги уйлар учун банклар томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилаётганлиги ёш оилалар учун айни муддаодир. Ўтган қисқа давр мобайнида вилоятдаги 960 та оила ана шундай қулай ва шинама уйларига эга бўлди. Уларнинг аксариятида ёш оилалар истиқомат қилаётганлиги ҳам оила мустаҳкамлигини таъминламоқда. ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банки" Навоий минтақавий филиалида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина ўтган 2011 йилда вилоятимиз бўйича 30 та массивда намунавий лойиҳалар асосида қурилган 490 та янги уй учун 24 миллиард 370 миллион 150 миң сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бундан Қармана, Қизилтепа, Навбахор, Нурота, Хатирчи, Конимех, Томди ва Учқудуқ туманларидаги оилалар баҳраманд бўлди.

"Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган 2012 йилда вилоятимизда ана шундай лойиҳа асосидаги 500 та янги уй қурилиши режалаштирилган. Бу уйлари учун банк томонидан энг кам иш ҳақининг миң баравари миқдоригача 15 йил муддатга йиллик 7 фоиз устама асосида имтиёзли кредит маблағлари ажратилиш кўзда тутилган.


Бундан ташқари, юртимизда тадбиркорликни, айниқса оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган қарорларнинг қабул қилиниши оилалар фаровонлигини янада оширмоқда, десак муболага бўлмайди.

Илҳомжон САЛОМОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими.

ТАЪТИЛДА САЁҲАТ УОШТИРИЛДИ

Саёҳат қилишга фақат дам олиш ёки вақтичоғлик эмас, чинакам таълим-тарбия воситаси деб қараш гоятда ўринлидир. Китоб тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими қасаба уюшмаси ҳамда туман сайёҳлик ташкилоти томонидан яқинда республикамизнинг диққатга тазовор гўшаларига уюштирилган саёҳат айнан шу мақсадни кўзда тутган эди. Тумандаги мактаб ва лицейларнинг 50 нафар фидойи ўқитувчилари иштирокидаги бу кўнгилли сафар кўҳна Хоразм воҳасидан бошланди.

Қадим Хива ҳамда Ичон қалъа таассуротлари тарихга оид билимларимизни янада бойитди. Хусусан, 26 гектар худудни эгаллаган Ичон қалъа хом гишт ва паҳсадан тикланган бўлиб, тўртта дарвоза ҳамда 20 та музейни ўз ичига олади. Аждодларимиз томонидан маҳорат билан бунёд этилган "Кўк минора"ни томоша қилар эканмиз, уларнинг ақл-заковатига тасаннолар айтдик. Кейинги йилларда хоразмлик келин-куёвлар учун энг табаррук зиёратгоҳ-



га айланган Паҳлавон Маҳмуд мажмуасидаги ажойиб манзаралар кўнгилмизни осмон қадар юксалтирди.

Биз эртаси куни тарихий қадамжоларга бой бўлган Бухороий шарифни ҳам зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. Ҳар бир гўшасида миллий меъморчиликнинг бетақрор анъаналари аксланган турган мадраса мақбараларни кўриб, томоша қилиб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик қудратига яна бир қарра қойил қолдик.

Таътил кунларида Хива ва Бухоро шаҳарларига қилинган саёҳатнинг қимматли жиҳати шу бўлдики, биз юртимиз ўтмишининг нодир зарвараклари билан танишдик. Саёҳат якунида ҳар бир иштирокчи кўнгилдан аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий, моддий меросига муносиб бўлиш ва кейинги авлодларга ҳам фақат яхши нарсаларни мерос қолдириш истаги ўтди, десак янглишмаймиз.

Жўрабек ШЕРОВ,
Китоб туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси.



Юртимиз бўйлаб

Тўйда ҳамма тўкин дастурхон атрофида, ёшларга бахт тилаб, ўйнаб-қулиб ўтирган эди. Кимдир «Келин-куёвлар торт ейиш маросимини ўтказсин», деди-ю, ҳаммаси шундан бошланди. Куёв торт бўлагини келин томон олиб борди-ю, беихтиёр, ширинлик унинг юзига тегиб кетди. Келин эса ўз навбатида «Сендан қолишмайман», дегиси келдики, торт билан куёвболанинг юзини бежаб қўйди. Шунча меҳмон, ўртоқлари олдида изза бўлган йигит тортни отиб юборди. Бирданига ғала-говур кўтарил-

ижодий қобилиятларини юзага чиқариш, уларнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорини намойён қилишлари борасида жуда катта микдосдаги ишлар олиб борилаёттир. Бундай шароитдан фойдаланаман, дея ўқиб-изланиб, интилаётган ёшларни кўриб, қувонамиз. Афсус, баъзи ота-оналар уларни тўғри йўлга йўналтириш, фарзандларидаги бу истакларни ривожлантириш ўрнига, уларни ўз хою ҳаваслари сари эргаштирмақда. Қизини эрта турмушга бермоқчи бўлган оналар билан суҳбатлардан чиқарган ху-

мушга бериш фикридан қайтди. Аммо уч нафари шу ёшда турмушга чиқди...

Зебо ИБРАГИМОВА, руҳшунос:

— 16-17 ёшли қизлар романтик орзулар билан юришадди ва турмушга чиқиш уларга гўёки орзу-ҳавасларининг рўёби, ҳаётидаги улкан бир эврилишлардай тасаввур уйғотади. Ҳатто баъзи қизлар эрта оила

Долзарб мавзу

ўтказиб, таълим муассасалари билан доимий равишда ҳамкорлик қилиб келаемиз. Сабаби, баъзилар учун қизининг хунарли, касб-корга эгаллигидан кўра, турмушга чиқиши муҳимроқ. Ростдан ҳам ҳар бир ота-она болам бахтли бўлсин, дейди. Лекин ҳали ёш қиз қандай қилиб ҳам ҳам рўзгор юқини, ҳам ўзини уддаласин. У нафақат оилани, ҳатто ўзини ҳам яхши тушунолмайди-ку. Яна унинг бир йил ўтар-ўтмас фарзандли бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, у ёғини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Қайнона-келин можаролари ҳам шундан келиб чиқади, кўпинча. Ҳўш, улар кимнинг орзу-ҳаваслари ила шундай ҳолга тушаяпти? Албатта, ота-оналарнинг-да. Ўғилнинг онаси «Онаси ўпмаган қизни олиб бераман», дейди. Қизнинг онаси эса, «Яхши жой чиққанига шукр», деб ўйламай-нетмай розилик бериб юборади. Шу пайтда уларга бирон нима деб кўрингчи, «Бизнинг оилавий ҳаётимизга аралашманг, қизимизни кейин бахтли қилиб бера оласизми?», дейдиганлар ҳам бор. Кейин бу ёш оилда нотинчлик юзага келса, дарҳол маҳаллага мурожаат қилишади.

Шунинг учун ҳам ота-оналар ҳали совчи жўнатмасданқоқ бу масалалар бўйича тушунтириш ишлари олиб бормоқдамиз.

Юқоридаги мисол кўпчилигимизни ҳайратга солиши табиий. Аммо баъзи ҳудудлар бу ҳолатга ўрганиб қолаётгани сир эмас. Нега?.. Ахир тўй ўз-ўзиндан бўладиган ҳодиса эмас-ку? Ҳар бир ҳудуднинг фаоллари, маҳалла етакчилари бор. Улар нега ўз вақтида бу каби ҳолатларга эътироз билдирмаяптими? Қолаверса, ёш турмуш кураётганлар расман никоҳдан ўтмас ҳам шаръий никоҳдан албатта ўтади. Уларга қайси мулла никоҳ ўқияпти? Ҳар бир ҳудуд бу масалага жиддий ёндашса, оилалардаги жуда кўп салбий ҳолатларнинг олди олинган бўлармиди...

Гулрух МҶМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.



ХАТЧЎП — ўқилаётган саҳифани осон топиш учун китоб ичига солиб қўйиладиган махсус чўп, безакли ип ёки бир парча қоғоз тилимизда «хатчўп» сўзи билан ифодаланган.

Мутриб хатчўп солинган бир саҳифани очди-ю, «Ўқи!» деди.

Журналдан

ХАФА — тилимизда ранжиш, озорланиш, аразлаш, қайғули ҳолатга тушиш маъноларини ифодалаган «хафа» сўзининг туб илдизи «бўғиш», «бўғилиш», «нафаси қайтиш» каби маъноларни англатган.

Кумуш жуда хафа кўринганликдан, унинг кўнглини очмоққа тўғри келар эди.

Абдулла Қодирий

ФАКУЛЬТЕТ — бу сўз олий ўқув юртининг маълум ихтисослик бўйича тегишли фанлар ўқитиладиган бўлими деган маънони англатишини ҳаммамми яхши биламиз. Ҳўш, «факультет» сўзининг туб илдизи қандай мазмунга эга? Факультет сўзи тилимизга лотин тилидан кириб келган бўлиб, асли «қобилият», «имконият» деган маъноларни англатган.

ВИЖДОН — тилимизда инсонийликнинг асосий белгиларидан бири ёхуд диёнат, инсоф, ор-номус маъноларини англатиб келган «виждон» сўзига асли араб тилидаги кўп маъноли «важада» феълнинг «ҳис қилди», «сезди» деган маъноси асос бўлган. Қизиги шундаки, тилимиздаги «вужд» сўзининг ҳам туб илдизи «виждон» сўзи билан бир хил бўлиб, унга кўп маъноли шу феълнинг «бор бўлди» деган маъноси асос бўлган. Бу сўзининг туб маъноси «Ўзбек тилининг этимологик луғати»-да шундай изоҳланган.

Виждонни асрангиз ҳар недан ортиқ, Ягона заминни асрагансимон.

Абдулла Орипов

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

16 ЁШЛИ ҚИЗ: УНИ КИМ КЕЛИН ҚИЛАЯПТИ?

ди. Катталарнинг баъзилари куёвини ҳовуридан туширишга эрини, яна бирлари «Келин ҳозирданоқ шунақа бетгачопар бўлса, эртага қандай бўлади?», деб вазиятга янаям салбий тус бера бошлашди. Бошқалар эса «Ҳа, булар ҳали ёш бола-да, қўйинглар», деб ота-онани овутишди. Тўғри, ростдан улар ҳали ёш — куёв 18, келин 16 да эди. Тўйда бошланган совуқчилик эса кўп давом этмади. Ҳали расман никоҳдан ҳам ўтмаган ёшлар уч ойга борар-бормас ажрашиб қўя қолишди...

Нигора СУЯРОВА, Самарқанд туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси расиси:

— Бугун ёшларнинг тизимли равишда таълим олишлари, касб-хунар эгаллашлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, қизларнинг

лосамиз бу. Қизи «ўқийман-изланаман», деб турган пайти оналарнинг «Кейин кимга турмушга чиқмоқчисан, сенга ким ҳам совчи қўярди?» деган кинояли гап-сўзлари таъсиридан қизлар ҳам шу ҳолатга кўникаёттир.

Эрта турмушга чиққан қизларнинг фарзандли бўлишларида муаммолар юзага келаётгани сир эмас. Ҳомила ташлашлар, боланинг чала, нимжон туғилиши, онанинг саломатлиги ёмонлашиши — бу каби ҳолатлар кўпинча эрта турмушга чиққан қизларда кузатилади. Тумандаги тўртта коллежда шу даргоҳда ўқийдиган қизларнинг оналарини таклиф қилган ҳолда учрашувлар ўтказдик. Қизини эрта турмушга бермоқчи бўлган оилалар билан шу маҳалла маслаҳатчиси, фаоллар суҳбат олиб бораёттир. Туманда ўнга яқин оилалар қизини эрта тур-

мушга бериш фикридан қайтди. Аммо турмушга чиққан, орзу-ҳавас бошқа-ю, ҳаёт бошқа эканлигини англаб етишади. Кўнглида аллақандай бўшлиқ юзага келади. Одатда бундай ёшдаги қизларнинг касби, хунари ҳам бўлмаса уларда оиласига, ҳаётга бефарқлик ҳисси пайдо бўлади.

Қолаверса, эрта турмуш куриб, она бўлган ёшлар кўпинча фарзандини оғир юкдай қабул қилади. Чақалоқ эса жуда сезгир. Тарбия жараёнида болақай буни ҳис этмай қолмайди. Натижада бола айбдорлик ҳисси билан ўсиши мумкин.

Тўтибийи Ражабова, Иштихон туманидаги «Халқобод» маҳалласи маслаҳатчиси:

— Маҳалламизда 73 нафар 16 ёшли қизлар бор. Уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар

суронлар уларга салбий таъсир қилиши мумкинлигини наҳот ҳеч ким ўйлаб кўрмайди.



Дугонамнинг айтишича, яқиндан бошлаб янги туғилган қиз чақалоқларни келин кўйлақда, ўғил болаларни куёв либосида олиб чиқиш урф бўлаётган эмиш. Бу ҳам етмагандек, чақалоқларнинг бўйнига тила занжирли сўғрич тақиб чиқаришга ётган эмиш. Бу ўзини кўз-кўз қилишдан ўзга нарса эмас-ку!

Азалдан маълумки, янги кўзи ёриган

аёл гўдаги билан чиллала ҳисобланади. Ўша лаҳзаларда онанинг ҳам, чақалоқнинг ҳам соғлиғига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бизда эса уйда «ковурдоқ»қа келган меҳмонлар кутиб туришади. Қизнинг онаси зиёфат баҳонасида тоғоралар «карвони»ни қалаштиради. Бир йўла «сарполар намойиши» ҳам ўтказилади. Энди туғилган чақалоққа беш ёшга етгунча етгулик кийим-кечага, бешик, арава, беланчагидан тортиб, ўйинчоқларгача муҳайё қилишади. Бунинг устига қуданинг уруғ-аймоғигада бошдан-оёқ сарпо улашишади. Қизини кузатиб, қарзларидан қутулиши ҳам улгурмаган ота-она бир йил ўтар-ўтмас яна чиким қилишга мажбур. Ахир урф-одат шундай. Ҳали олдинда бешик, хатна тўларини-ку айтмасам ҳам бўлади.

Ота-боболаримиздан бизгача етиб келган урф-одат ва маросимларда ўзига хос рамзий маъно бор. Аммо юқоридаги каби янги «урф»лардан бирон маъно англайсизми? Йўқ! Барчасининг замирида дабдабага ўчилиг, манманлик ётибди холос. Зеро, манманлик ва кибр-ҳаво ҳеч кимни саодатга етаклаган эмас.

Нилуфар САПАЕВА

ЧАҚАЛОҚҚА ДАБДАБА КЕРАКМАС

Яқинда бир дугонамнинг кўзи ёриганини эшитиб, хабар олгани туғруқхонага бордим. Дарвозага қинлашгач, манзилдан адашдиммикин, деб тараддулланиб қолдим: кираверишда зарбоф тўнлар кийиб саф тортган мусиқачилар зўр бериб карнай-сурнай чалишмоқда. Бу ҳолатнинг тасодифан гувоҳи бўлганлар тўйхонага келиб қолмадиммикин, деб ўйлашлари мумкин.

Ичкаридан чақалоқ кўтарган келин-куёв мусиқа садолари остида чиқиб келишди. Энг қизиги, туғруқхона дарвозаси олдида ясатилган от-арава келтирилиб, чақалоқ билан онани сайр қилдиришди, суратга олишди. Ниҳоят, куёв томондан иккита, келин томондан иккита машинадан «кутиб олувчилар» жамоаси тушиб, ёш ота-онани табриклаш «маросими»ни ўтказишди. Сўнгра машиналар бирин-кетин кулоқларни қоматга келтирувчи сигналларни чалиб, қаторлашиб йўлга тушди. Ана тантаная, мана дабдаба!

Ўйлаб кўринг: ахир туғруқхонада туғруқ оғир ўтган аёллар, туғишдан олдин даволаниши керак бўлган беморлар бор-ку! Бу ерда такрорланадиган бундай шовқин-

ҚЎША ҚАРИГАНЛАР

Бундай эътирофга муносиб бўлиш осонми?

Куни кеча бу оилада қутлуг тўй нишонланди. Яъни шу кунгача эл хизматини шараф билан адо этиб келаётган отахон ва онахоннинг турмуш қуришганига 50 йил тўлибди!

— Ишонгиси келмайди одамнинг. Ярим аср аҳил, иноқликда яшаш, яна денг бошқаларни ҳам эзгуликка, ибратли хонадон соҳиби бўлишга чорлаш ҳар кимнинг кўлидан келавермайди, — дейди “Турон” кутубхонаси директори ўринбосари Насиба Аманкелдиева. — Мен Мухтабар ая билан ҳамкасбман, яъни кўп йиллар кутубхонада бирга ишладик. Чин дилдан ҳавасим келарди бу аёлга. Ҳам уйда, ҳам жамоатчилик орасида ўзига хос муҳит яратиш осон эмас. Ниятим, ҳаммамизга ана шундай пиру бадавлатлик насиб этсин!

Бундай ёруғ ниятни Раҳимовлар оиласини яқиндан билганлар ҳам, эшитган бегоналар ҳам чин дилдан изҳор этишди шу кун. Ўзларининг “олтин тўй”ларида давра тўрида савлат тўкиб ўтирган бу жуфтликка ҳамманинг ҳаваси келди. Етти нафар фарзандни ҳеч кимдан кам қилмай тарбиялаб, улғайтириб, ўқитиб, уйли-жойли қилишди. 22 нафар неварга ҳамда 5 нафар эваранинг сеvimли бобоси ва бувижониси бўлганларича бошларидан кечган қувончли ва таъшишли воқеалар кино ленталари каби бирма-бир уларнинг кўз ўнгидан ўтиб турибди десак янглишмасмиз.

Фатхуллага ака:

— 1962 йилда ихчамгина тўй қилиб уйлانган эдим. Ўша маҳаллари тепловоз депосида чилангар бўлиб ишлардим. Мухтабархон эса маданий-оқартув техникумининг кутубхонашунослик бўлимида ўқирди. Энди у замонларни эсласак, эртাকা ўхшайди. Оғир даврлар эди-да. Хуллас, орадан тўрт йил ўтгач, юридик институтининг сиртки бўлимига ўқишга кирдим. Кейин ички ишлар соҳасида турли лавозимларда хизмат қилдим. Нима десам экан, агар мендан “Бахт формуласи борми?” деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан “Албатта бор, у ҳам бўлса эр-хотин бир-бирини тушуниб яшаши-да”, деган бўлардим. Тушунишда, англашда гап кўп экан...

Мухтабар ая:

— Умр дегани шамолдай ўтиб кетар экан. Бу ёғи ўзбекчилик, бола-чака таъшиши, рўзгорни ўйлайсиз. Оллоҳга минг бора



шукр қиламан, шундай зиёли, маърифатли инсонга тақдирим қўшилиганига. Нега десангиз, эр-хотин ёшликда билинмайди, сал қизиқонлик қиласиз, аразлайсиз, лекин ёш улғая боргани сари бир-бирига суяниб қолар экан. Менинг ўзим то пенсияга чиққунимча Тошкент вилоятига қарашли “Турон” кутубхонасида ёшлар билан ишлаш бўлимида етакчи лавозимида ишладим. Қанчалаб одамлар билан дардлашдим, қанчасига ёрдамим теғди, неча юзлаб оилаларга маърифат улашдим. Бир сўз билан айтадиган бўлсам, ҳаётимдан мингдан минг розиман.

Бугун Мухтабар ая неварга-чеваралардан ортмайди. Вақт топди деганча кўни-кўшилари даврасига шошилади. Бекорчи, гап сотиб ўтирган, гийбат қилиб юрган аёлларни жини суймайди.

Фатхуллага ака эса 20 йилдирки, маҳалла оқсоқоли сифатида кечаю кундуз тиним билмайди. Маҳалладошларининг тўй-маъракаси, оилавий муаммолари борми, ҳаммасига камарбаста.

— Мухтарам Юртбошимиз бу йилга “Мустаҳқам оила йили” деб ном берганларида тўлқинлиниб кетдим, — дейди Фатхуллага ака биз билан сўхбатда. — Бунда чуқур фалсафа ва ажойиб ҳикмат бор. Чунки бизнинг халқимиз биринчи навбатда ўзининг кадрдон оиласини, фарзандлари бахтини ўйлайди. Шунинг учун айтаманки, кимки оиласида бахтли бўлсагина ҳамиятда ўз ўрнини топади, обрў қозонади. Ҳозирги ёшларга биз катталар ҳар томонлама ўрناق бўлишимиз керак. Биринчи навбатда меҳр-оқибат кўрсатиш, фарзандларни тўғри тарбиялаш бобида, қолаверса, ҳар қандай масаллада ақл билан иш туриш керак. Айримларни кўраяп-

миз, бизнинг маҳалламизда ҳам учрайди, бир-икки йил ўтар-ўтмас феъл-атвори тўғри келмабди, келин рўзгор тутишни билмас экан, кувенинг тайинли касби йўқ, деган арзимас баҳоналар билан турмуши бўзилиб кетаётганлар ҳам, афсуски, орамизда бор. Тўғри, беш қўл баробар эмас. Лекин бундай мураккаб ҳолатларда биз оқсоқоллар, маҳалла фалолари, хуллас, катта ҳаёт мактабини кўрганлар улгарга яқин маслаҳаттўй, кўмакчи бўлишимиз шарт. Томошабинлик қилиб ўтириш энг ёмон одат.

Раҳимовлар хонадонидега ўсиб-улгайган уч ўғил (тўнғичи раҳматлик кўп йиллар эл хизматини қилган экан) ва тўрт қиз ҳам ота-онасининг ишончини қозонган. Ўртанча ўғил Фарруҳ ака отаси изидан бориб, кўп йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилиб, айни пайтда пенсияда. Кенжаси Жаҳонгир ака эса тадбиркор. Қизлари Гўзалой, Гулчехра, Зулфия ҳамда Зухраҳонлар саришталли уй бекалари. Келинлари Ҳилолаҳон опа маҳалла ширкатида ишлаётган бўлса, Дилдора ҳамда Дилором опалар фарзандлар тарбияси билан машғул.

Минг шукрки, “Пиру бадавлат”, “ували-жували” ва ниҳоят “қўша қариганлар” деган соф ўзбекча иборалар орқали номлари эъзозланган оилалар сони бугун юртимизда кўп. Уйлаймизки, ана шундай самимий эътирофга сазовор бўлганлар орасида азим Тошкентнинг Катта Кўйлик маҳалласида яшаётган, бутун умрини хайрли ишларга бағишлаган Мухтабар ая ва Фатхуллага ака Раҳимовлар оиласини ҳам фахр билан тилга олсак арзийди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Изҳор

Хаёт давом этаверади экан, инсониятни бир улуг тўйга ҳаракатга ундаб туради. Муҳаббат деб аталмиш бу ҳиссиёт ҳаёт манбаига, уни безовчи бетинисол кучга ўхшайди. Севгининг қудрати чексиз эканлиги тарихдан ҳам маълум. Олам аҳлини ҳайратлантирган кўпгина ноёб тарихий обидалар, санъат ва бадний асарларининг дунёга келиши муҳаббат билан боғлиқ. Бобилда милоддан аввалги VI асрда подшо Навухадонсор фармойиши билан Семпрамидега бўлган шоҳ муҳаббатининг рамзи сифатида осма боғ барпо этилади. IV аср ўрталарида Туркиянинг ҳозирги Бодрум шаҳрида ҳукмдор Мавсал ва унинг сеvimли рафиқаси Артемисия мақбараси ҳам беқиёс сеvgи туйғулари бунёд этилди. Агра шаҳри яқинидаги Жамна дарёси бўйида Бобурийлар сулоласининг муносиб давомчиси Шоҳжаҳон томонидан Мумтозбегимга атаб қурдирилган Тожмаҳал ҳам муҳаббатнинг бетакдор намунаси сифатида тарихда қолди. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.



Муҳаббатни фақат ёр ишқи деб тушуниш билан чеклашиш нотўғридир. Инсон қалбини бир лаҳза ҳам тарк этмайдиган Оллоҳга бўлган ишқи илоҳий, Ватан, ота-она, фарзандлар ва дўсту биродарларга бўлган меҳр-муҳаббат ҳам борки, унинг кучи бизни фақат эзгу амалларга чорлаб туради. Муҳаббат инсонни улғайди, юксалтиради, ҳаётга маъно олиб киради. Одам улғайиб боргани сари сеvgини теранроқ англай бошлайди. Уни руҳият покловчиси сифатида кўриб, ўзида ижобий тарафга ўзгаришлар сеза бошлайди. Дангаса, ишёқмас кишини меҳнаткаш, тор феъллини бағри кенг, сержаҳлни мулоҳазакор килувчи буюк куч ҳам айни муҳаббатдир!

“Инсон табиати шундай қурилганки, у тез-тез хато қилиб туради: ўткинчи хою ҳавасни кўпична ҳақиқий муҳаббат деб ўйлайди. Асл муҳаббат оғриқ билан келади”, деб ёзган эди улуг адиб Чингиз Айтматов. Ҳа, чин сеvgи дард билан келади. Илми илоҳийда инсон қалби, ишқ дарди ва унинг ўрни ҳақида шундай дейилади: ишқ оғриги кўкракнинг чап қисми остида, қалбада бошланиб, сўнгра ўнг томон икки бармоқ ичкарида жойлашган руҳни эгаллайди.

Айтишларича, чин муҳаббат соҳибларининг тақдирини қўшилмас эмиш. Эҳтимол, кундалик майда-чуйда муаммолар муҳаббатини емириб борар... Балки армонда қолган муҳаббат бетакдор туюлар? Забт этилган нарса оҳорини тез йўқотар? Нима бўлганда ҳам борлигини яши, муҳаббат! Чунки сен инсонларни эзгуликка, юксакликка ундайверасан, гўзалликка чорлайверасан, дилларда умид куртақларини ёзаверасан!

Раҳима НУРМАМАТОВА,

ЎЗМУ фалсафа факультети илмий тадқиқотчиси.

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қунидаги ўқув курсларига тақдиф этилади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштачилик — 3 ой (машинада бўшиқка).
Хамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.	Тўқувчилик — 2-3 ой.
Хамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).	Инглиз тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.	Рус тили — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.	Интернет — 1 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.	
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.	

Барчаси амалиёти билан

Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-маъра 1-уй 31-хона.

МУЎЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори оқсидида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, 199897 785-90-30 (кундузи)

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Абдуқодир Сотиболдиев!

Сизни, газетамизнинг кўп йиллик фидойи мухлиси сифатида таваллуд кунингиз билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз. Умрингизга умр, қалбингизга эзгуликлар ҳамиса йўлдош бўлишини тилаймиз.

Турмуш ўртоғингиз билан биргаликда фарзандларингиз камолини кўриб юрмоқ бахти насиб этсин.

**Фарзандларингиз ва
«Оила ва жамият» газетаси
тахририяти жамоаси.**

Ҳурматли қизим Маҳфуза!

Сени туғилган кунинг билан муборакбод этамиз. Бизнинг, турмуш ўртоғинг ва фарзандларингнинг бахтига доимо соғ-омон бўлгин. Умринг узоқ, ҳаётинг гўзал бўлсин. Фарзандларинг роҳини кўриб юргин.

**Ҳурмат билан Баҳодир Турсунов оиласи.
Тошкент шаҳри**

ХАТОЛАР ЖАБРИ

Кундузхон опанинг
ҳикояси:

— Ёшлигим, унда йўл кўйган хатоларимни эслашдан, гапиришдан уяламан. Ўн етти ёшимда узоқроқ қариндош, лекин бизнинг оиламиз билан бордикелдиси бор оиланинг ўғлига унаштириб кўйишди. Йигит билан аввал кўришган бўлсак-да, суҳбатлашмаган эдик. Унаштиришгач, бир ҳафта ўтиб, у мени учрашувга чақирди. Уялиб унамадим. Шунда кўшни ховлида яшайдиган, мендан икки-уч ёш катта қиз: «Агар унаштирилган қизни йигити учрашувга чақирмасан, бу қиз учун шармандалик бўлади. Хурсанд бўлмайсанми, аҳмоқ. Агар чиқмасанг, у сенга уйланиш фикридан айниб қолиши ҳам ҳеч гап эмас», деди. Унинг шу гапига ишониб, бордим. Биринчисида ҳаяжонландим. Кейин тез-тез кўришадиган бўлдим. Мен ҳам унга ўрганиб қолган, уни кўрмасам соғинардим. Бу пинҳона дийдорлашувлардан онам ва акаларим беҳабар эди.

Бир кун... бир лаҳзада ҳаммаси тамом бўлди! Хуллас, ўзимизнинг ҳам, ота-онамизнинг ҳам юзини ерга қаратдик. Дард устига чипқон деганларидек, унинг дадаси тўсатдан вафот этди. Тўйимиз кечиктирилди. Менинг дардим ичимда, сабаби — ҳомиладор эдим. Яна ўша кўшни қиздан маслаҳат сўрадим. У ҳомиладан воз кечмасам, акаларим мени омон қўймаслигини айтиб кўрқитди. Ўз билганимча турли йўллار билан боладан кутулмоқчи бўлдим, аммо уддасидан чиқолмадим. Корним тобора каттариб борарди. Охириг чорам, жонимга қасд қилиш бўлиб кўринди...

Касалхонада уч кун деганда ўзимга келдим. Шифокорлар ҳаётимни сақлаб қолишди. У ердан чиққанымдан сўнг тўйимиз бўлиб ўтди. Тўй мен орзу қилган, тушларимда кўргандай тантана эмас, балки совуққина бир маросим тарзида ўтди. Бунга ўзим сабабчи эдим.

Орадан тўрт ой ўтиб, фарзандли бўлдим. Аммо аҳмоқлигим беиз кетмагани, болам мажруҳ бўлиб дунё юзини кўрди. Акаларим мендан қаттиқ ранжиди. Катта акамнинг орияти кучли эди, ҳали қирққа тўлмай туриб, юрак хуружига учради. Келиноним ҳали ҳамон мени қаргайди. У ҳақ, Сингил бўлиб акаларим шашини асролмадим. Менинг биргина ҳаёсизлигим нечта қийнларимга жабр бўлди.

Эрим дастлаб менинг кўнглимга қаради, кейин у ҳам ўзгариб қолди. Ногирон боладан кейин яна икки ўғилли бўлдим, бироқ муносабатларимиз яхшиланмади. Эрим фақат мени айблади. Тан оламан, ўшанда номусимни асраганимда, бугун бу кўргиликлар бошимга тушмасди...

Айтмоқчи бўлганим, қизлар-жонлар, бахтга бир одим қолганда шомшанг! Бахтга борадиган йўл битта — номус ва ҳаё экан!

Қизилтепа тумани Ёшлар марказида туман ФХДЭ бўлими ташаббуси билан туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамоатлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Оила муҳити сирлари» мавзуси-

Ён-атрофга назар ташланг: турфа тақдирли, турли мақсад-уйил одамларга кўзингиз тушади. Бирининг нигоҳини ташвишлани, яна бирини эса хотиржам кўрасиз. Бу — ҳаётнинг қонуни, азалий орати. Яратган қимми кўша қувонч билан сийласа, яна бировни дард, ташвиш бериб синайди. Шундай пайтлар бўладики, қай томон қадам ташлашни билмай қоламиз...

Мазкур мақолани тайёрлаш асносида жуда кўп инсонлар билан суҳбатлашиб, бунга пшонч ҳосил қилдик. Айримларнинг изтироблари, иқровлари, пушаймонларини қозоғга туширдим. Шояд, бугун янглиш ўй, адоғи кўринмас йўл бошида турганлар бундан сабоқ олшса, деган умидда ушбу воқеаларни қозоғга туширдик...

ЭРТАГА КЕЧ БЎЛМАСИН...

ХАР АРАЗГА
БИТТА ТАҚИНЧОҚ

Зарифахоннинг ҳикояси:

— Оилада ёлғиз қизман. Дадам нуфузли ташкилотда ишлар, хонадонимиз ўзига тўқ оилалардан бири эди. Икки акамнинг ҳам топиш-тутиши яхши, шунинг учунми, келинлик сепим ҳамма ҳавас қиладиган даражада бўлди. Ота-онам уч-тўрт сидра тилла тақинчоқлар билан узатишди.

Шахардан қишлоққа келин бўлиб тушдим. Уй юмушлари ва даладаги меҳнатларга қўника олмадим. Қайнона-қайнотам, қайсингилларимнинг чарчамасликларига ҳайрон қолардим. Улар даладан келиб, бироз дам олиш учун салқин уйга кириб кетганларида, мен ўчоққа олов ёқиб, овқат қилишга мажбур эдим. Бу менга алам қилди ва арзимаган сабабини баҳона қилиб, ота уйимга аразлаб кетиб қолдим.

Уйга борсам, онамнинг бир ўзи экан. «Даданг келгунича, уйингга кет, эшитса қаттиқ эзилди», деди. Мен: «Йўқ, ўзим тушунтираман, улар мени қора меҳнат ичида қўйналишимни истамайди ахир», дедим ва дадамнинг ишдан келишини кутдим. Дарвозадан киргани заҳоти кучоқлаб йиғлаб юбордим-да, бор гапни айтиб бердим. Уларнинг менга раҳми келишини, қайтиб ўша уйга юбормасликларини кутганим. Йўқ, аксинча, у киши: «Сен бу уйдан чиққан қизсан, энди фақат эринг, қайнонанг билан бизни-кига меҳмон бўлиб келишини мумкин, тушундингми», деди. Дадамнинг бу аламли гапларини эшитиб, кўнглим бузилиб

кетаётсам, дадам онамга буюрди: «Бўйнидаги тилла занжирини ечиб ол!»

Онам ҳайрон бўлди, мен ҳам ҳайрон бўлиб қотиб қолдим. Дадамнинг иккинчи бор газаб билан буюришларидан сўнг онам бир вақтлар ўзи бўйимга меҳр билан тақиб кўйган тилла занжирни аста ечиб олди. «Энди кетишинг мумкин. Акам сени уйингга овориб қўяди», — деди дадам ҳеч нима бўлмагандек.

Бағрим хун бўлиб уйга қайтдим. Йўлма-йўл акамга ҳасрат қилиб келдим. Дадамдан ҳафа бўлганимни, бошқа у уйга бормаслигини айтиб, роса йиғладим. Акам ақалли мени овуتماди ҳам...

Орадан ойлар ўтди. Бу орада кўп бор турмуш ўртоғим ва қайнонам билан ота уйимга бориб келдик. Мен ҳамон дадамдан ҳафа эдим. Аммо уй ишларини уддалашни, шу уйнинг тутумини ўргандим.

Бир йил ўтиб, фарзандли бўлдим. Турмуш ўртоғим билан яна бир кун аразлашиб қолдик ва мен иккинчи бор ота уйимга кетишга қарор қилдим. Бу вақтга келиб, дадамнинг бир пайтлар берган жазоси унут бўлаётган эди. Яна дадамга эрим ва қайнонамни ёмонладим, бошқа у уйга бормаيمان, дедим. Яна ўшанга ўхшаш гап такрорланди. «Агар шу уйда ўтироқчи бўлсанг, ана, дарвоза олдидаги битта хона сен ва болангга. Рўзгоринг, қозонинг алоҳида бўлади. Нима еб-ичишинг билан бизнинг ишимиз бўлмайди. Гапим гап, шуни унутма!», деди дадам. Қиз болалигимда мени суйиб-эрқалаган, ҳамма нарсанинг сараси-

ни менга раво кўрган дадам гўё бошқа одамга алмашиб қолгандай эди. «Уйингизга сизгасам, кетганим бўлсин. Энди соғинсам ҳам, келмайман», дедим ва боланим кўтариб кетишга чоғландим.

— Онаси, қулоғидаги зиракни ечиб ол! — деди баногоҳ дадам. Яна ўша ҳол. Фақат бу гал онам сал жадалоқ ҳаракат қилди. Мен дадамга саволмуз қараган уч-тўрт сониядаёқ волидам қулоғимдаги зиракларимни ечиб олишга улгурди. Йиғлаб ортага қайтдим...

Мана шу воқеага ҳам ўн беш йил бўлибди. Бошқа қайтиб ота уйимга аразлаб бормадим. Уч фарзандли бўлдим. Яқинда кенжа ўғлимга суннат тўйи қилганимизда, дадам ва ойим менга ўша тақинчоқларни қайтариб беришди.

Энди билсам, зебу зийнатга ўч қизини тушган оиласига қайтариш учун дадам уйлаб топган чора экан бу. Дадам ўшанда яхшиям шундай қилган эканлар. Акс ҳолда мен бугун бахтиёр оиланинг бекаси бўлмас эдим...

АҚЛ БУЮРГАНИНИ
ҚИЛИНГСадирбек НИЁЗОВ ҳикоя
қилади:

— Ҳаётда инсон ҳаммиша ақлига суяниши керак экан. Биз ота-онамизнинг хоҳиш-истағига қараб, турмуш қурган эдик. Аввалига икки йилча яхши яшадик, фарзандимиз туғилгач, орамиздан «ола мушук ўтди». Арзимаган сабаб билан жанжаллашадиган бўлиб қолдик. Ҳозир эсласам, ҳайрон қоламан, турмушимизнинг бузилишига арзиримди булар деб.

Хуллас, ўн йил алоҳида яшадик. Бу орада мен бир марта уйландим, аммо фарзандли бўлмасдан яна ажрашдик. Биринчи хотиним эса ўғлимни ўғай ота эшигига олиб бормаيمان деб бошқа турмуш қурмади. Ўн йиллик умр оқар сув каби ўтиб кетди.

Бир кун бозорга кирсам, қаршимдан ўғлим ва онаси иккиси қикиб қолди. Аёлим ярим

қоп оҳакни, ҳали ўн учга тўлиб-тўлмаган болам эса оғир сумкани зўрға кўтариб келишарди. Уларга раҳим қилиб, юқларини машинага ортиб, уйларига овориб қўйдим.

Хуллас, ўн йилдан бери аразлаб юрган хотиним сал юмшади ва қайта ярашдик. Ҳаётимиз энди анча изга тушиб кетди. Аммо ўртада кечган ўн йиллик танаффус барибир ўзининг аламли изини қолдирди. Ўғлим билан беғоналардекмиз гўё. Биламан, бунда менинг ҳам айбим бор. Ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ҳаракат қилаяман.

Бошқаларга маслаҳатим, ёшликда эҳтиросларга берилманг, жаҳлингизни жиловлаб, ақл билан қарор қабул қилсангиз, бахт сизга ҳамроҳ бўлади. Эртага кўп нарсаларни бой бериб қўймайши, худди мен каби...

ҚАЙНОТАМНИ ЁМОН
КЎРАДИМ...

— Мен оиланинг бузилиб кетишида аввало қайнотамни айбдор деб билардим, — дейди Ноилахон исми аёл. — Чунки у кишининг юраги ниҳоятда тор, қилган ҳар бир ишимдан нуқсон топарди. Кўйлагимни тоза чаймабсан, овқат солган лаганинг чала ювилган, қозонни ҳам ёмон юзасан, деган гаплар билан узуқун асабимни бузар эди. Бу каби тергашлар, танбехлар жонимга теғди ва бир кун келинлик уйимни ташлаб қикиб кетдим. Ҳар қанча аралашувлардан кейин ҳам изимга қайтмадим...

Бир қизим бор эди, эрим билан қонуний ажрашганимиздан сўнг ота-онам қизчамни ўзлари билан олиб қолиб, мени бошқа одамга турмушга бериб юборишди. Бу дунёда ҳар қандай амалнинг жавоби бор экан, мен «ёмғирдан қочиб, дўлга тутилган» эдим. Кейинги қайнотам шу даражада ичкиликка муккасидан кетган эдикки, маст бўлиб олиб қилган қилиқларини айтишга уяламан. Чидамай қаёққа ҳам борардим, кўп ўтмай қайнонам вафот этгач, қайнотамнинг иссиқ-совуғига қараш менинг зиммамга тушди. Ўзи беозор бўлгани билан, лекин энди йиғилиб дастурхон бошига ўтирганимизда тўполон кўтариши, ҳамма нарсани уриб-синдириши юрагимни зада қилиб юборди. Ана шундай пайларга бир чеккага ўтиб, сездирмайгина йиғлаб оламан ва ўша аснода тозалик ва саришталикни ёқтирувчи аввалги қайнотамнинг фаршита инсон бўлганига иймон келтираман...

Иккинчи қизим ярим жон бўлиб дунёга келгач, бу оилани ҳам ташлаб кетишга мажбур бўлдим. Аммо бу йўқотишга фақат ўзим айбдорман. Ҳозир икки қизимни ҳам ёлғиз ўзим катта қилаяман. Уларни ота меҳридан, тўқис рўзгор бағрида улғайишдан маҳрум қилганим учун ўзимни умрим охиригача кечиролмасам керак...

Шаҳло ТОШБЕКОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.

ОИЛАВИЙ СИРЛАР ТАНЛОВИ

да ўтказилган кўрик-танлов оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилалар хотиржамлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш омилларига бағишланди.

Тадбирда Қизилтепа тумани марказидаги 4 та маҳалланинг ибратли оила-

лари иштирок этиб, ўзларининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларини намойиш қилдилар. Ўз оилавий сирларини ошқор қилиб, бошқаларга ибрат бўлган Ф.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилноза Қувонга йилгиликни қўлга киритди.

Мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларга берилган оила сабоқлари ҳаётини мисоллар, кўргазмалли чиқишлар, видео лавҳаларда ўз аксини топганлиги билан тадбирнинг таассуротларга бой бўлишини таъминлади.

Моҳира ХАЛИЛОВА,
Қизилтепа тумани
ФХДЭ бўлими мудир.



ТИПРАТИКАН МЕХНАТСЕВАРЛИК ТИМСОЛИ


Биз одатда чумолини меҳнатқаш жонзот деб биламиз. Буни қарангки, кўплаб мамлакатларда типратикан ҳам меҳнатсеварлик ва саранжомлик тимсоли ҳисобланар экан. Ўзингиз эсланг, елкасига олма ёки кўзиқорин орқалаган типратикан кино ва мультфильмларда кўп бора тасвирланган. Типратиканнинг ишчанлиги ҳақида бунчалик ишончли эътироф қачондан пайдо бўлган?

Маълумотларга кўра, бу эътироф Қадимий Рим тарихчиси тўнғич Плиний битикларидан бошланади. У ўз кўлёмаларида шундай ёзади: "Типратикан қиш учун озуқа тўплайди. У ерга тўкилган олмалар устига ағанаб, ти-



конларини меваларга санчиб олади. Тиконларга қадалган олмалардан ташқари яна биттасини тишлаб ҳам олади ва дарахт ковагига олиб кириб кетади".

Бироқ, замонавий табиатшунослар типратиканни ҳашоратхўр жонивор, илонларнинг қушандаси, аммо қиш учун озуқа тўпламайди, дарахтларга тирмашиб юрмайди, деб ҳисоблашади. Бу ҳозирги замон тўхтамлари. Қадим замонлардан бери типратиканлар ҳақида нималарни ёзишмади дейсиз. Масалан, узоқ ўтмишда одамлар орасида, "Типратикан кечалари сигирларни қандайдир шафқатсиз усулда соғиб кетар эмиш. Шундан сўнг улар-



нинг сути қон аралаш келармиш", деган гаплар юрган. Деҳқонлар эса у пайтларда ветеринария ҳақида тушунчага ҳам эга бўлишмаган ва масаланинг асл моҳиятини ўрганмасдан, подага яқин жойда учраб қолган типратиканларни тутиб, шу захоти ўлдирган. Дарҳақиқат, агар идишга қуйиб берса, типратикан сутни жон деб, иштаҳа билан ичади. Аммо, унинг сигирларни соғиб кетиши мантиққа зид гап. Айтганча, типратиканга олмалар нега керак?

Зоологларнинг таъкидлашларича, мевалардаги кислоталар жониворларни ҳашаротлар нишидаги ёки кемирувчилар тишидаги захардан ҳимоя қилиш хусусиятига эга экан. Бу фикрни хонаки типратикан боқувчилар ҳам кўллаб-қувватлайди. Демак, бу ёқимтой жонивор меваларни нафақат озуқа ўрнида, балки шифобахшлик хусусияти учун ҳам ҳуш кўришар экан-да!..

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ОТАНИ ҲУРМАТ ҚИЛИНГ!

— Ассалому алайкум, мен Тошкент вилоятидан, узр-а, лекин, қайнотамни уйлантириш масаласида телефон қилаётгандим.

— Эшитамиз, кўлимиздан келса албатта ёрдам берамиз. Сўрагани айби йўқ, у кишининг ёшлари нечада?

— 78 ёшда. Исмлари Иброҳим ота. Ҳали бардам-бақувват. Кўрган одам 60-65 ёшларни беради. Олаётган пенсияси ўзига етиб ортади. Иложи бўлса, 50 ёшлардаги бефарзанд аёл билан таништириб қўйсангиз. Агар ўша номзоднинг уйи бўлса дадамини олиб кетишига ҳам розимиз?

— Сиз келинимисиз?

— Ҳа, исми Шифоат.

— Ҳўп, сизни тушундим, аммо дадангизнинг ўзлари билан гаплашсам бўлади-ми?

— Ҳозир у киши дам олаётган эдилар. Бироз тоблари йўқ. Лекин уйланишга рози.

Келин шошганича телефон гўшагини қайнотасига тутиб: "Ўзингизни сўрашяпти, гапираверинг. Сизни уйлантириш масаласини айтгандим", деди.

Қайнота келиннинг сўзларини яхши англаб етмади чоғи, гўшакни қулоғига тутиб жим тураверди.

— Ассалому-алайкум отахон, яхшимисиз?

— Ҳа, тузук, раҳмат қизим. Кимсиз, танимайроқ турибман?

— Газетаданман. Уйдагиларингиз, сизни уйлантиришмоқчи эканлигини Шифоатхон айтди, шунга..

— Қўйсангиз-чи, қизим, ёшим энди бир жойга бориб қолган бўлса. Бунинг устига бир оёғим яхши ишламайди. Ким ҳам мени кафиликка оларди? Болаларимга менга қараш малол келаяпти, шекилли.

Отахон бошқа гапиролмади. Қаттиқ йўтал тутиб қолди шекилли. Энди гўшакни қўйишга чоғланган ҳам эдикки, бир йигитнинг баланд овози эшитилди..

— Узр опа, гўшакни қўймаг. Отамиз бироз шамоллабди. Ўзлари бақувват. Сизга кўнглидаги гапни айтишга тортинаяпти. Кенжа ўғилман-да, менга бемалол ёрилаваради. Тунов кўни, ёнингда бир меҳрибон аёл бўлса, дардингни эшитадиган, кўнглингга малҳам бўлади-ган, деб ўзлари айтаётгани менга.

Энди бўлса қаранг, қарчилик-да. Опа-жон, агар дадамга тўғри келадиган аёл топсаларингиз, ўзим сизларни рози қиламан.

— Бу гапингиз ортиқча, сиз бизни эмас, дадангизни рози қилинг. Уларнинг олдидаги фарзандлик бурчингизни бажаринг, дуоларини олинг. Қолаверса, биз фақат 60 ёшгача бўлганларга хизмат кўрсатамиз.

Очиғи, қисқа суҳбат давомида бу ўғил ва келиннинг асл мудоалари нелигини тушунмадик. Нима бўлганда ҳам, ҳар бир фарзанд кекса ота-онанинг дилини огритмасдан, уни эъзозлаб, дуосини олгани маъқул. Зеро, қайтар дунё дейдилар...



САДОҚАТГА САДОҚАТЛИ ЁР БОРМИ?

— "Бахтли бўлинг" бўлимими? Мумкинми?

— Келинг опа, марҳамат, эшитамиз.

— Мен Тошкент шаҳридаги маҳаллардан бирида маслаҳатчи бўлиб ишлайман. Газетангизнинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораман. Менам шу баҳонада бир савоб ишга қўл ургим кел-

ди. Маҳалламизда турмуши бузилган бир жувон бор. Ёши 30 да. Исми Садоқат, қизчаси билан отасиникида ўтирибди. Яхши, бамаъни одамларнинг фарзанди. Тақдир экан-да, эрининг гиёҳвандлигини узатилгандан кейин билиб қолибди. Бир яхши инсонни учратиб, рўзгор қилиб, бахтини топиб кетса, дегандим.

— Касб-кори борми?

— Ҳамшира. Оқ-сарикдан келган, келишган аёл. Маҳалла-кўй, кўни-қўшилари билан ҳам аҳил. Имкони бўлса, Тошкент шаҳрида яшайдиган, 40-45 ёшлардаги, қонуний ажрашган, битта ёки иккита фарзанди бор эркак билан таништириб қўйсаларингиз айни мудоао бўларди.

МАЛИКА ая.
Тошкент шаҳри.

КЕЧИКМАДИКМИ?

— Бизлар, икки дугона Сирдарёдан келдик. Менинг исимим Диёра. Ёшим 33 да. Дугонам Нодира эса 32 ёшда. Оила қуришга кеч қолмадикман, дея минг истиҳола билан олдингизга келдик. Бизга ўхшаб, ўқиб, изланиб, ёши улғайиб қолган қизларни ҳам сўрайдиган совчилар бордир.

— Яхши, Диёра, қандай инсон билан оила қуришни хоҳлайсиз?

— Мен бу йил магистратурани тугатдим. Ўзимга ўхшаб ўқийман, деб оила қуришга улгурмаган йигитлар бўлса яна ҳам яхшидир. Оила қуриб ажрашган, уй-жойи бор, Тошкент шаҳрида яшайдиган 40 ёшгача бўлган эркак билан танишишни истайман.

— Ҳўш, Нодира, энди навбат сизга.

— Арокимё йўналиши бўйича магистратурани тугатиб, нуфузли ташкилотда ишляпман. Олий маълумотли, 35-40 ёшгача бўлган эркак билан танишмоқчиман. Уйланиб, ажрашган бўлса ҳам майли.

ДИЁРА, НОДИРА,
Сирдарё вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рункига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

Табиат — дорихона

БЎРИГУЛНИ БИЛАСИЗМИ?

Бўригул (барвинок) кендирдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Асосан манзарали ўсимлик сифатида экиб кўпайтирилади. Унинг гуллари пушти ва сиёҳ рангда очилади. Ҳозирги пайтда ушбу ўтни хиёбонларда, боғларда учратиш мумкин.

Бўригулнинг юқори қисми баҳордан июлгача кесиб олиниб, соя жойда ёки шамол айланадиган хонада 3-5 см қалинликда терилиб қуритилади. 7-10 кунда доривор тайёр бўлади.



Замонавий тиббиётда у томир хасталиги, қон томирларининг торайиши, атеросклероз, ишемия, юрак-томир, шизофрения касалликларини даволашда ишлатилади.

Халқ табobatiда бундан, ўпка ва бачадондан қон кетишида фойдаланилади. Танадаги турли

тошма, яралар, хуснбузар, псориаз, экзема, тиш огригини даволаш мумкин.

1 ош қошиқ қуритиб майдаланган гиёҳга 200 г. қайнаган илиқ сув солиб, 15 дақиқа қайнатиб, 45 дақиқа дамлаб қўйилади. Уни сузиб олиб, овқатланишдан ярим соат олдин 2 ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади.

Тери касалликларини даволаш учун 2 ош қошиқдан 300 г. 15 дақиқа қайнатилади. Қайнатилган сув илиқ ҳолга келган, тошма тошган жойлар артилиб, томоқ фарғара қилинса, самарали ёрдам беради. Мезъридан ортиқ истеъмол қилиш тақиқланади

Иззатилла АБДУРАШИДОВ,
доришунос.

ЭРКАКЛАРГА МАСЛАҲАТЛАР

• Қимматбахо ва классик услубдаги соатлар ҳар қандай эркакни салобатли ва нозик дидли қилиб кўрсатади.

• Ҳамиша камарни пойабзалингизга мослаб тақинг. Қалин камарлар кўпроқ жинси шимларга мос тушади.

• Эркаклар ҳам ўзлари учун ишлаб чиқарилган ажинга қарши кремлардан фойдаланганлари маъқул.


• Кўпчилик катта ёшдаги кишилар хотираси заифлашаётганлигидан шикоят қилишади. 1 ош қошиқ кашнич уруғини 1 стакан қайноқ сувга солиб, бироз тиндириб қўйсиз. Ушбу дамламани овқатдан сўнг ичиб юриш, энг яхши ёрдамни беради.

• Асосан ўтириб ишлайдиган одамларда простата бези саратони кўпроқ учрар экан. Кун давомида бир соат яёв юриш бундай хавфни анча қамайтиради.



Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.

ИЛТИМОС, ТЕЛЕФОННИ ЎЧИРИБ ҚЎЙИНГ!



Ҳозир қайси бир ёшдаги (касб-корини қўяверинг) одам билан гаплашманг, ҳар дақиқада "сотка"си тиним билмайди. Бирор йилни ёки тадбирга бориб қолса-ку, мутасаддилар "Илтимос, телефонларингизни ўчириб қўйинг" деявериб чарчаб кетаяпти. Бу янги асрнинг қандай янгилиги бўлдики, унга на асаб чидайди, на да юрак.

Кўп кузатганимиз, хориздан келган меҳмонларнинг қўл телефонидан фойдаланишига ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди. Нега десангиз, қани айтинг, ҳеч кўрганмисиз, уларнинг қай бири дуч келган жойда бор овози билан бақириб-чакирганини. Ниҳоятда нозик овоз билан сўзлашганини сезиб-сезмайсиз. Бизда эса бунинг акси: кўча-кўйда, борзордаги телефонбозликларни, айрим калтабин кимсаларнинг оғзидан чиқаётган гап-сўзларни эшитиб, ёқа ушлайсан киши. Бу не ҳолатки, адоғи кўрин-маса?

Аслида ҳаммамизнинг ўзимизга яраша дид-фаросатимиз бор. Ёшим, қарими, барибир, ким бўлишимиздан қатъи назар, айниқса, жамоатчилик орасида ўзимизни қандай тутишимиз ёки телефонда сўзлашиш маданиятини қай да-

ражада эгаллаганимиз жуда муҳим омил саналади. Қовун қовундан ранг олади деганларидек, кейинги пайтларда айрим ёшлар бу борада ҳатто биз катталарни ҳам ортда қолдираётганига нима дейсиз?

Бугунги кунда мобил телефонлари кириб бормаган хонадон, қишлоқ, шаҳар қолмади ҳисоб. Ҳақли саволлар туғилади: кўш, энг оммавий ва қулай алоқа воситаси ҳисобланган бу матоҳдан биз қай йўсинда фойдаланяпмиз? Баъзи ҳолларда замонавий техника имкониятдан кўра, бизнинг ўз шахсий имкон даражаларимиз устунлик қилмаётганими-ми? Ёхуд кимматли вақтимизни ўткнчи нарсаларга сарфлаб юбормаяпмиз-ми?

Шу маънода жорий йилнинг 21 майида Вазирлар Маҳкамаси томонидан

Қарор ва ижро

қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарор ҳамда шу қарор билан тасдиқланган Низом бу борада амалга оширилиши лозим бўлган қатор чора-тадбирларни белгилашда ўзига хос дастуриламал вази-сини ўтайди десак муболаға бўлмайди. Чунки айнан бу каби тезкор алоқа воситасидан таълим муассасаларида фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар кейинги пайтларда кўпчиликини ўйлантираётган эди. Энг ачинарлиси, керак-но керак жойда "сотка"лар бетиним жириглаб турса, ёки жамоат жойида асабларга тегадиган даражада одамларга халақит берса, бунақа янгиликнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ эмасми? Айниқса, шу вақтгача таълим тармоқларида мобил телефонларидан фойдаланиш бўйича махсус тартиб-қоидалар жорий этилмаганлиги кўпчилик учун муаммо туғдираётган эди.

Мазкур Низомда белгиланган айрим қоидаларга эътибор берайлик: Таълим муассасасига кириб келган ўқувчи-талаба, ходим ва бошқа тоифа вакиллари телефонни "овозсиз" режимга ўтказиши шарт эканлиги, шунингдек, машгулотлар ва тадбирларда ўчириб қўйиши лозимлиги ўқтирилган. Яна бир жиҳати, таълим олувчилар телефон ёрдамида ёнидагиларга зўравонлик, шафқатсизлик, порнографияни тарғиб этувчи видео ва суратларни намойиш этиши қатъиян тақиқланади. Низом шартларига кўра, таълим муассасалари ўқитувчилари ва ходимлари ҳам машгулотлар вақтида мобил телефонидан фойдаланишига рухсат берилмайди. Мазкур Низом талабларини бузганлик учун эса тегишли тартибда таъсир кўрсатиш чоралари ҳам белгилаб қўйилган.

Ҳозир айна таътил мавсуми давом этаётир. Яна санокли кунлардан сўнг барча таълим даргоҳларида сабоқлар бошланади. Ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тарғиб этишдек жиддий вази-фани ҳозирданоқ бошлаш зарур. Қолаверса, бу ҳужжат нафақат таълим муассасалари, балки ҳар бир оила аъзоси учун ҳам маъсулият юклаши табиий.

Ижобат ВАҒОҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар Шайхонтохур
тумани 1-сон ДНИ нотариуси.



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

КАРАТЭЧИЛАР ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда каратэ бўйича катталар ўртасида XI ҳамда ўсмирлар ва ёшлар иштирокида XII Осиё чемпио-нати бўлиб ўтмоқда.

Чемпионатнинг дастлабки икки кунда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ката ва кумите баҳслари бўлиб ўтди.

Кумитэ – яқкама-яқка беллашувларда Шаҳзода Ортиқова барча рақибларини енгиб, Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Турли вазн тоифасида ўтказилган баҳсларда татамига чиққан ёш спортчиларимиздан Садриддин Сайматов, Жамшид Сайфуддинов, Ахрорбек Нозимбоев, Бехзод Тўйев, Дилноза Юсупова, Фарангиз Хандалова, Зўҳра Курбонова ва Дилдора Турсунова кумуш, Гофуржон Зоҳидов бронза медаллари билан тақдирланди.

Ўсмирлар ўртасида жамоавий ката – комплекс машқларни бажариш бўйича Набижон Ёрмухаммедов, Азиз Сатторов, Муҳаммад Отабобоевдан таркиб топган жамоамиз учинчи ўринни эгаллади.

Шунингдек, кумитэ баҳсларида япониялик Натсуки Шимизу, Иваше Нао, эронлик Сома Такмар, Али Бехбуд, таиландлик Крайвит Кайветхоп, қозғистонлик Анастасия Олешко, Саудия Арабистони вакили Бади Ал-Утайбий сингари спортчилар Осиё чемпионатининг олтин медалини кўлга киритди.

«МЮ» БИРИНЧИ ЎРИНДА

Forbes журнали дунёнинг энг қиммат спорт клубларини аниқлади. Ушбу рўйхатда 2,23 млрд долларга баҳоланган «Манчестер Юнайтед» клуби бошчилик қилмоқда. Иккинчи ўридан 1,88 млрд долларга баҳоланган Мадриднинг «Реал»и жой олди. Учинчи ўрини 1,85 млрд долларга баҳоланган «Нью-Йорк Янкис» ва «Даллас Ковбойз» бейсбол жамоалари эгаллашди.

Дунёнинг энг қиммат спорт клубларининг 10 талига қуйидаги жамоалар киришди:

1. «Манчестер Юнайтед» (футбол, \$2,23 млрд);
2. «Реал» (футбол, \$1,88 млрд);
- 3-4. «Нью-Йорк Янкис» (бейсбол), «Даллас Ковбойз» (Америка футболу) — \$1,85 млрд;
5. «Вашингтон Редскинс» (Америка футболу, \$1,56 млрд);
- 6-7. «Лос-Анджелес Доджерс» (бейсбол), «Нью-Ингленд Пэтриотс» (Америка футболу) — \$1,4 млрд;
8. «Барселона» (футбол, \$1,31 млрд);
9. «Нью-Йорк Джайнтс» (Америка футболу, \$1,3 млрд);
10. «Арсенал» (футбол, \$1,29 млрд).

Интернет манбалари асосида
Илхом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ПИВО АЛКОГОЛГА ТЕНГЛАШТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 майдаги 148-сонли қарорига мувофиқ пиво — бундан кейин алкоғолли маҳсулот ҳисобланиши (алкоғолсиз пиво эса бундан мустасно) алоҳида қайд этилди. Пивони алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда юридик шахслар томонидан сотишга йўл қўйилди. Авваллари пиво кучсиз алкоғолли ичимлик ҳисобланиб, уни реализация қилишга савдо қорхоналарининг ўқув муассасалари, мактабгача ва диний муассасалардан 500 метрдан кам бўлган масофада жойлашши ҳақидаги талабдан бошқа алкоғолли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни тартибга солувчи қоидалар таътиб этилмаган эди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикасида чакана савдо ҳамда мамлакатимизда умумий овқатланиш маҳсулотлари (хизматлари)ни ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари 2011 йил 5 октябрдаги "Алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида" қонунга мувофиқлаштирилмоқда. Хусусан, сотувчи тамаки ва алкоғолли маҳсулотларни сотиб олишга ҳақли бўлган харидорларнинг ёши 18 дан 20 ёшга оширилди. Алкоғолли маҳсулот чакана сотилган тақдирда эса тургун шохобчада тўловларни банк пластик кар-

точкаларидан қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминали бўлиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини эндиликда савдо автоматлари орқали, шунингдек, доналаб, қутисиз, (ўрамсиз) тамаки маҳсулотига нисбатан сотиш ҳам таъқиқланади.

Эътиборлиси шундаки, алкоғолли маҳсулотларни қуйиб сотадиган сотувчи ходимларнинг иш ўринларига бўлган талаблар ҳам ўзгартирилди. Бундай жойларда бу маҳсулотларни 20 ёшга тўлмаган шахсларнинг сотишга йўл қўймаслик, шунингдек, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлигига салбий таъсири тўғрисидаги оғоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилган бўлиши шарт.

Бундан ташқари алкоғолли маҳсулотларни сотиш чоғида сотувчи сотувдаги мавжуд товар намуналарига маҳсулот номи ёзилган, уларнинг идиши ва қадоклаш қиймати қўшилган нархлари кўрсатилган нархномаларни бириктириб қўйиши керак. Айни пайтда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари туманимиз солиқ инспекцияси ходимлари томонидан изчил амалга оширилмоқда.

Сайидамин МИРЗАЕВ,
Ҳамза тумани ДСИ бўлим бошлиғи.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарини қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 15:00. Босишга топширилди – 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Дилроз АБРАЕВА
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳилар — Саидгана САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темура кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Буюртма Г – 728. Формати А-3,
ҳажми 2 табоқ. Адади – 6902. Баҳоиси кели-
шилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ – 176

Қабулхона: (телфакс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 5